



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 10 июль, шанба

№ 56 (11.651)

Эркин нархда сотилади

Мажмуа ийғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Иномова бошқарган йиғилишда тегишли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари қатнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорининг изчил бажарилишини таъминлаш борасидаги масалалар кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа тасарруфидagi ташкилотларнинг шу йилнинг олти ойи давомидаги фаолияти натижаларига аён ясалди.

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти мудир Т.Норбоевнинг, шунингдек, ҳокимлик ва вазирликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, оилалардаги барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Республикада оналар ва болалар ўлими кўрсаткичларининг камайиб бориши, аёлларнинг туғруқ ёши таркиби яхшиланиши кузатилмоқда. Туғиш ёшидаги аёлларнинг 81 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилди, экстрагенитал касаллиги мавжуд аёллар соғломлаштирилди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Баракали хирмон

Вилоятимизнинг ғаллакорлари давлатга 252000 тоннадан ортиқ сара дон етказиб бериб, шартнома режасини бажардилар



СУРАТДА: Паркент туманидаги «Бўстон» ширкат хўжалиги пудратчилари Рустам Туршиков ва Жумқул Тошев бошқарув раиси (ўртада) Зайниддин Хўжааҳмедов билан ўрмонли ҳосилни чамалашмоқда.

Бу йил вилоятимиз бўйича жами 135000 гектар, шу жумладан 110000 гектар суви ерда мўл ва сифатли дон етиштирилди. Ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил этмоқда. Ҳали ўроқ тушмаган майдонлардаги ҳосилни ҳам ҳисобга олсак, бу кўрсаткич янада салмоқли бўлади.

Вилоятимиз деҳқонлари қўлга киритган улкан меҳнат зафарида беистисно барча туман ва хўжаликлар муносиб улуш қўшди. Чиноз, Тошкент, Зангиота, Уртачирчиқ, Қибрай, Янгийўл туманлари ғаллакорлари шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Бу туманларнинг аксариятида ҳосилдорлик ўртача 48-50 центнерни ташкил этди. Оққўрғон ва Қўйичирчиқ туманлари эса уруғлик тайёрлаш режасини ҳам барвақт адо этдилар.

Ғаллачиликда катта тажриба орттирган ўнлаб ширкат хўжаликлари ҳар йилдек, вилоятнинг умумий ғалла хирмонига баракали ҳисса қўшди. Хусусан, Қўйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги», Тошкент туманидаги «Тошкент», Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон», Зангиота туманидаги А. Икромов номи, Қўйичирчиқ туманидаги «Гулистон», Қибрай туманидаги «Маданият», Янгийўл туманидаги «Низоб» хўжаликлари ғаллакорлари гектаридан 65-70 центнердан ҳосил олишга эришди.

Ҳеч қандай муваффақият ўз-ўзидан келмайди. Унинг замирида неча-неча заҳматкаш, фидойи инсонларнинг ҳалол меҳнати, тажрибаси, тинимсиз изланиши ётади. Шу жумладан, вилоятимиз ғаллакорлари қўлга киритган муваффақиятнинг бош омилли ҳам шубҳасиз меҳнатга бўлган янгича муносабат, изланиш ва интилиш бўлди, десак янглишмаймиз.

Шу ўринда вилоятимизда ғаллачиликни ривожлантиришга туртки бўлган амалий омилларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугун дон мустақиллиги мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллиги билан бевосита боғлиқлигини, аҳоли турмуш фаровонлигининг ҳал қилувчи омилли, деҳқоннинг асосий даромад манбаи эканлигини мутасаддилардан тортиб, оддий деҳқонга қадар чуқур англаб етди. Шу муносабат билан етиштирилаётган доннинг сифатини юксак талаблар

даражасига кўтариш масаласига ҳам катта эътибор берилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ғалла парварлигини обитобда олиб бориш, унинг агротехника қоидаларига қатъий амал қилиш дон сифатини таъминлашнинг асосий шартларидан бирidir.

Мўл ҳосилга замин яратишда, нав танлаш, уруғликни саралаш ва тайёрлаш айниқса, муҳимдир. Авваллари уруғликнинг асосий қисми четдан келтириларди. Бу йилги мавсумда уни ўзимизда тайёрлашга катта эътибор қaratилди. Ғаллакорларимиз шу кунларда 16,5 минг тонна сифатли уруғлик тайёрлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ҳисоб-китобларга кўра, кўзланган уруғликнинг 13 минг тоннадан ортиги тахт қилиб қўйилди. Уларнинг аксарияти вилоятимиз далаларида синовдан ўтиб,

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҳаёти

Семинар бўлиб ўтди

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгашида ўқув-семинар машғулотли бўлиб ўтди.

Унда ташкилот шаҳар, туман кенгашларининг раислари, автомобиль мактаблари бошлиқларининг маънавият-маърифат, ташкилий-оммавий ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи, спорт бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.

Президентимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган «Ватанмиз тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ» мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида сўз

юритилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ташкилий-оммавий ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ишлари бўйича Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини амалга ошириш борасидаги фаолиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарда болалар спортини ривожлантириш дастури асосида спортнинг техник ва амалий турларини омалаштириш мавзусида ҳам фикрлашиб олинди.

Ҳасанбой
САДУЛЛАЕВ.

Кичик олимпия ўйинлари

Ангрендаги «Кўмир кони» шўъба корхонаси тасарруфидagi «Коинот» соғломлаштириш масканида 300 нафардан зиёд ўғил-қиз ёғи таътилни ўтказмоқда.

Бу ерда 6-8 ёшли болалар ўртасида спортнинг армрестлинг, футбол, шашка, стол тенниси, сузиш каби турларини ўз ичига олган «Кичик олимпия ўйинлари» мусобақаси бўлиб ўтди. Тадбир ниҳоятда болалар терма жамоаси ва маскан тар-

биячилари ўртасидаги мини-футбол баҳсида жажжи спортчиларнинг қўли баланд келди. Ғолиб ва совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Воҳид
БОЙМУРОВОДОВ.

189 нафар битирувчи

Чиноз туманидаги Олмазор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Бухгалтерия ҳисоби, ветеринария, автомобилларни таъмирлаш ва жиҳозлаш, қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлаш, чорвачилик ва деҳқон-фермер хўжаликлари соҳалари бўйича тахсил олган 189 битирувчига ўз

ихтисослари бўйича фаолият бошлашлари учун оқ йўл тиланди. Тадбир қуй-қўшқларга улашиб, катта байрам кечасига айланиб кетди.

Гулчехра
ДАМИНОВА.

Ўзбекистон – умумий уйимиз

Шу азиз Ватан барчамизники

Меҳр-оқибатли, ориятли халқимиз. Юздан ортиқ миллат ва элатларга бағрикенглик кўрсатиб, уларни қовуштириб, шу азиз Ватанимизнинг иқболи, истиқболини кўзлаб яшамоқдамиз, меҳнат қилмоқдамиз. Мамлакатимиз Президентли Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида алоҳида таъкидланганидек, юртимизда

Вилоятимизнинг Бўстонлиқ тумани ва Чирчиқ шаҳрида миллатлараро баҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, миллий мада-

ний марказлар иш тажрибасини омалаштириш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида кенг қўламли тадбирлар бўлиб

миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, шу муқаддас замин халқлари ўртасидаги эмин-эркинлик, ўзаро меҳр-оқибат, баҳамжиҳатлик ва тотувлик мамлакатимизнинг буюк келажиги йўлидаги сазъ-ҳаракатларимизда муваффақиятга таъминловчи асосий омилга айланди.

Ўтди. Турли миллат намоёндаларининг бу учрашув миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масаласига бағишланган

катта йиғилиш билан якунланди.

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

Йиғилиш иштирокчилари вилоятимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар сазъ-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг янги таркибини сайлашди. Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдухамид Йўлдошев шу кенгаш раислигига тасдиқланди.

Йиғилиш яна бир муҳим масалани кўриб чиқди. Республика «Бағрикенглик» жамғармасининг вилоят бўлими тузилди.

Миллатлараро баҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган бу тадбирда Ўзбекистон Байналмилал маданият марказининг раҳбари Теmur Алимов иштирок этди.

(Давоми 3-бетда).

Минтақавий семинар-тренинг

Мамлакатимизда навбатдаги сайлов кампанияси яқинлашиб келмоқда. Шу йилнинг декабрь ойида икки палатали парламент ва халқ депутатлари вилоят, туман ҳамда шаҳар Кенгашлари сайловлар бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Сенат, Қонунчилик палатаси каби Ўзбекистон фуқаролари учун янги тушунчалар, сайловларни ўтказиш билан боғлиқ қонуний

Сайлов жараёнлари ва қонунчилик

Тошкент вилоят ҳокимлигида кунчи кеча бўлиб ўтган «Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги минтақавий семинар-тренингда сайлов қонунчилиги, уни ўтказиш билан боғлиқ кўпдан-кўп саволларга жавоб топиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида ва бошқа қонунларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, сайловолди ишларини қонуний асосларда йўлга қўйиш масалалари теварагида фикрлашиб олинди.

Семинар-тренингни Тошкент вилояти ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги бошқармалари ҳамда бўлимларининг бошлиқлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, сиёсий партияларнинг етакчилари, ҳуқуқ-тартибот идо-

асослар ва бевосита ушбу муҳим сиёсий кампания жараёнлари ҳақида фуқароларда кўплаб саволлар туғилмоқда. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига кимлар сайланиши мумкин? Олий Мажлис Сенатининг ваколат муддати неча йил? Қонунчилик палатасига сайлов ва Сенатни шакллантириш қандай тартиблар асосида амалга оширилади?

ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, ҳоким ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда).



● Ўзбекистон – умумий уйимиз

Шу заминга Ватан барчамизники



фарзандлари тарбиясига бебаҳо хисса қўшган Қодир ога Мейлибоев, Гулном Усенова, Худойберган Мирзамуродов, Абдукарим Абдуллаев синглари табаррук инсонларнинг номлари алоҳида эҳтиром билан тилга олинди.

Бугун Бўстонликда қозоқ



Шу заминга

Эҳтиром – қалбда

Вилотимизда барча халқларнинг миллий урф-одатлари – қадриятлари, анъаналарини сақлаш, янги мазмун билан бойитиш, уларни навқирон авлоднинг мулкига айлантириш учун катта-катта ишлар амалга оширилмоқда. Бугун фаолият олиб бораётган 35 та вилот, шаҳар ва туманлар миллий маданий марказлари бу борада изчил ва самарали ишлаяпти.

Хар бир миллат ўз маданияти, анъаналари, қадриятлари билан Ўзбекистон халқларининг умумимиллий қадриятларини мустахкамлаш ҳаракатида. Айни шу жиҳат юртимизда ислохотларнинг муваффақиятли бориши, мамлакатимиз белгилаб олган тараққиёт йўлида барча вазифалар содиратилиши билан амалга оширилиши учун қўл-қўвват бермоқда, замондошларимизнинг яратувчилик қайрат-шижоатларини қўлайтирмоқда, Ватанимизни ардоқлаш, уни ёвуз кучлардан авайлаб сақлаш мақсадлари теваригига жиғиллаштирилмоқда.

Ўтган чоршанба кўни турли миллат намоёндалари юртимиз сўлим гўшаси – Бўстонликда тўпланишди. Улар туман қозоқ миллий маданий маркази ташкил этган «Дўстлик» кечасида иштирок этишди. Туман ҳокими Қамбарали Эшонқулов кечани очаркан, шундай деди:

– Турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган туманимизда миллий анъаналарни асраб-авайлаш, уларни ёшлар онгига сингдириш борасида катор ишлар амалга оширилмоқда. Бунда миллий маданий марказлар муҳим ташкилотчилик ролини ўйнаётди. Чунинчи, қозоқ миллий маданий маркази қадимий урф-одатлар ва анъаналарни ўрганиш, уларни авайлаб-асраб, ривожлантириш борасида, айниқса, самарали иш олиб бораётди. Турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган туманимизда миллий анъаналарни асраб-авайлаш, уларни ёшлар онгига сингдириш борасида катор ишлар амалга оширилмоқда. Бунда миллий маданий марказлар муҳим ташкилотчилик ролини ўйнаётди. Чунинчи, қозоқ миллий маданий маркази қадимий урф-одатлар ва анъаналарни ўрганиш, уларни авайлаб-асраб, ривожлантириш борасида, айниқса, самарали иш олиб бораётди.

Дўстлик кечаси ўз моҳияти, маъно-мазмуни билан мана шу (Давоми. Боши 1-бетда).

Инсон тараққиётига кўмак

Ривожланиш мақсадларига кўмаклашиш дастури (DSSP) миссияси «Марказий Осиё минтақасида инсон салоҳиятини ва инсон ҳафсизлигини ривожлантириш мақсадида минтақавий ҳамкорлик» маърузасини тайёрлади.

Бу ҳақда Тошкентда бўлиб ўтган «Инсон тараққиёти ва минтақавий интеграция» мавзудаги давра суҳбатига маълум қилинди. Мазкур давра суҳбати БМТ тараққиёт дастури ва DSSP иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан уюштирилди. Бу лойиҳа инсон тараққиёти муаммоларига интеграция ва ҳамкорлик нуқтаи назаридан қаралган минтақавий микёсдаги илк лойиҳа ҳисобланади. Бундан

фикрнинг ёрқин ифодасига айланган. Унда ўқитувчи Холдор Тоубоев ижро этган «Бу – мен Бўстонлик» кўшиги ўрашувга алоҳида мазмун бериб янгради. Абдурахим Жуманкулов, Динора Рисбекова, Лазоқат Нуримова, Дилшод Кенжабобоевларнинг қўшиқлари унга ҳамроҳ бўлди. Кечада элим деб, юртим деб меҳнат қилган, шу замин

миллатига мансуб 50 мингга яқин киши истиқомат қилмоқда. Улар орасидан етишди чикан ёзувчилар, оқинлар, санъаткорлар халқнинг маънавий тарбиясига муносиб хисса қўшиб, бу гўзал гўша шаъни шавкатини етти иқлимга ёймоқдалар. Шу жиҳатдан бугунги ёшларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам кекса авлод бошлаган

аммоларни ҳал этиш механизмининг барпо этиш имконини беради.

Давра суҳбатига айтилишича, Марказий Осиёнинг тадқиқот объекти сифатида танлашни бежиз эмас. Минтақа ривожланган жабон борзорлари ва транспорт йўллари билан олисдаги сабабли иқтисодий ривожланишда маълум бир қийинчиликларга учрамоқда. Хар бир давлат олдига турган муаммолар бир вақтнинг ўзига умумимиллатий ҳисобланади. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти каби тузилмаларнинг ташкил қилиниши интеграция қараёнлари бошлангиларининг аяқол тасдиғидир.

А. АРСЛОНОВ,
«Туркистон-пресс»

қутлуг йўлнинг давомидир. Гап шундаки, бу йил Остонада қозоқ тили ва адабиёти бўйича биринчи халқаро олимпиада ташкил этилди. Унда тўққиз ўқувчимиз иштирок этди.

Ўзбекистон вакиллари қозоқ халқининг АҚШ, Хитой, Россия, Монғолия синглари саккиз мамлакатда яшовчи навқирон вакиллари ўртасида учинчи ўринни қўлга киритдилар. 9-синф ўқувчиси Малика Эсимкулова халқаро олимпиада дипломи билан тақдирланди. Унинг иштирокилари бўлган Султон Тожибоев, Жоркинор Мирзамуродов, Аслон Шолқоров, Айнура Тошимбетова ва бошқалар халқаро олимпиада ёрликларини олишди.

– Ўқувчиларимиз қозоқ халқининг бой тарихи, маданияти, қадриятларини пухта билишлари билан бугун олам олдига намоён қилишди, – деди халқаро олимпиадада иштирок этган Бўстонлик ўқувчилари гуруҳи раҳбари Бозоргул Элтеева. – Бу Ўзбекистонда қозоқлар учун жуда катта маданий-маърифий ва ижтимоий имкониятлар яратиб берилганлигини самарасидир.

Шуни айтиш қийоқки, бугун Бўстонликдаги 17 та мактабда машғулотлар қозоқ тилида олиб борилаётди. Ўқувчиларни ўз она тилидаги дарсликлар билан

Ягона онла тўғуси

Ўзбекистон миллий маданий марказлари раҳбарлари ва фаолларининг Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбекистон» маърағида очилган акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари билан учрашуви ҳам низоғда жонли ва қизиқарли тус олди. Корхона бошқарувининг раиси Виктор Волгин меҳнат жамоасида 26 миллион вакиллари бир оила аъзоларидек қовушиб, жипслашиб ишлаётганлиги, саноат корхоналари учун янги техника ва технологиялар, қўлпа кенг истеъмол буюмлари етказиб бераётганлиги ҳақида гапирди.

– Менин ўзим шу корхонада қирқ йилдан ортиқ меҳнат қиламан, – деди у. – Шундан 14 йилни меҳнат жамоасига раҳбарликда ўтказдим. Биз ўзимизни шу азиз юртининг фарзанди деб ҳисоблаймиз. Цехларда бўлиб, ишчи-хизматчилар билан гаплашсангиз, ҳаммадан ҳам шу фикрни эшитасиз. Биз шу заминда тургудик, ўсиб-ўлғайдик. Тақдирларимиз, қисматларимиз шу ерда яшовчи халқлар билан ҳамбарчас туташиб кетди. Бу юртининг тўғуси биз учун муқаддасдир.

Эркин фикр олишув тусини олган мана шу учрашув чоғида бир қатор муаммолар ҳам тилга

олинди. Чунинчи, муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш, улар замонавий техника ва технологияларни мукамал ўрганиб олишларини таъминлаш йўлида чўқурак ишлаш керак. Учрашувда ҳозир бўлган Ўзбекистон рус миллий маданий маркази раҳбарининг ўринбосари Василий Костецкий таъкидладики, мутахассисларнинг малакасини оширишнинг самарали йўли қўйиш мумкин. Бунинг учун Россия ва Украинанинг саноат корхоналари билан амалий алоқалар ўрнатилиши керак. Миллий маданий марказ бу борада ёрдам қўриштириши тайёр. Шунингдек, ўрашув чоғида кутубхоналарда мунотоз адабиёт намуналарини қўйиштириш, уларни янги асарлар билан бойитиш, илмий-технавий ахборотлар билан алмашиш ҳақида ҳам фикрлашиб олинди.

Чирчиқ шаҳар рус миллий маданий марказида ўтган учрашув ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Унинг раиси Людмила Мухаммедиева марказнинг ишлари ҳақида гапириб берди. Бу ерда кенг қўламли оммавий-тарбиявий тадбирлар ташкил этилаётганлиги, шаҳар ҳокимлиги миллий маданий марказлар самарали иш олиб боришларига қўриштирилган эътибор ўрашув иштирокчиларини қизиқтириб қўйди. Улар Чирчиқ шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган давра суҳбати чоғида ана шу тақрибларни кенг ёйиш лозимлигини алоҳида таъкидлашди.

Хеч шубҳасиз, вилотимизнинг Бўстонлик тумани ва Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган кенг қўламли бу тадбир аҳоли ўртасида миллатлараро тотувликни ва баҳамжхатликни мустақамлашда муҳим босқун бўлиб қолади. Тадбир иштирокчилари ўрашувлар ва суҳбатлар чоғида эгалаб олган янгича иш усуллари ва услублари жойларда турли миллат намоёндаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўлайтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга уларни кенг сафарбар этишга хизмат қилиши шак-шубҳасиз.

Жўрабек МУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавазлар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Таълим ва компьютерлаштириш

Пойтахтимизда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

У Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими ривожлантириш институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ҳозир ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасаларида ўн мингдан зиёд янги русумдаги компьютер, саккиз юзга яқин компьютер симфи мажмуи Уларнинг юзга яқини Интернет тар-

ТЕЛЕ ДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 12

«Ўзбекистон»

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, «Ўзбекистон» телеканали 12 июль кўни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайд.

15.00 «Ташкилот»
15.45 «Рангин дунё»
16.05 «Дастурхон атрофида»
16.15 «Қишлоқ ҳаёти»
16.35 Эстрада тароналари.
16.55 ТВ анонс.
«Болалар сайраси»:
17.00 1. «Ҳаройикентга савҳат»
2. «Олтин тоғ»
Телевизион ўйин.
18.00 Янгиликлар
18.10 Мунотоз наволар.
18.25 «Эл соғлиги – юрт бойлиги»
18.45 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!»
19.05 «Муқдор»
19.25 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталари.
20.15 «Ўзбектефильм» намоёниши: «Оқшом ёғдулари»
20.30 «Ахборот»
21.05 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили. «Химмат»
21.25 «Зомин илҳомлари»
21.55 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Куз эртаги»
Телесериал. (Корея)
22.55 «Ахборот-дайжест»
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
16.50 Кўрсатувлар дастури
16.55 «Давр» ҳафта ичида
17.25 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод
17.45 Қўбшлар юрт одамлари
18.05 Ёшлар овози
18.25 Қишлоқдаги тенгдошим
18.45 Ўқишга марҳамат!
18.50 Мунотоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00, 22.00 Давр
19.35 «Давр» – репортаж
19.45, 22.40 ТВ-анонс
19.50 Ишга марҳамат!
19.55 «Меҳр кўзда»
Мақтубларга шарҳ
20.15 Қизил ҳудуд
20.30 ТВ-адавоқат
20.35 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлгон асираси»
Телесериал
21.30 Бир ўлка
21.50 Олтин мерос
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интер-футбол
0.25-0.30 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал.
«Луиза Фернанда»
17.45 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориз хабарлари»
20.00, 21.10 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида»
18.30, 20.00, 21.25, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТВда сериал.
«Мухаббат тарихи»
20.00, 21.10 «Мурувват»
20.40 «Тошкент Халқаро Вестингстер Университети» ҳужжатли фильм.
21.45 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам»
22.05 ТВда сериал: «Рей Бредбери театри»
22.50 Кинонигоҳ. «Поездаги катта ўғирлик»
00.35-0.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 Ўзбектефильм намоёниши: «Бейсбол юдузлари»
10.30 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.05-13.00 А.Збруев, Л.Чурсина «Қундузи саванга икита чипта» фильмида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт-антракт»
17.20 Е.Петросяниннинг кулги панорамаси.
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш»
19.00 «Мени кутгил»
19.05 «Время»
20.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
21.00 «Хабарлар»
21.15 «Спортимиз маликалари»
21.30 Жаҳон спорти: «Проф-РИНГ»
22.30 «Х-Спорт»
22.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
«СЕШАНБА, 13»
«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳужжатли телесериал.
9.50 «Муқдор»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Муқдор»
10.15 «Муқдор»
10.25 «Камалак»
11.50 ТВ клип.
12.05 2004 йил – Меҳр ва

мурувват йили. «Химмат»
12.25 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!»
12.45 Ўзбек қўйларидан концерт.
13.05 «Қотиллик пайдан». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Муносабат»
14.40 «Зомин илҳомлари»
15.10 «Иктидор». Телевизион.
«Болалар сайраси»:
16.00 1. «Ерилош»
Видеофильм. 2. «Қўноқ стартлар»
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Бахтиёр шахзода»
Мультифильм.
18.25 «Қўш қанотлар»
18.45 «Остонаси тиллодан»
19.05 «Тасфилот»
19.25 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истеъмолчи»
21.25 «Хониш». Мусиқий дастур.
21.55 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Куз эртаги»
Телесериал.
22.55 «Ахборот-дайжест»
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг»
Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус
8.55 Иқлим
9.00, 13.00, 16.00 Давр
9.25 «Давр» – репортаж
9.35 «Ёлгон асираси»
Телесериал
10.15 Қизил ҳудуд
10.30 «Ўзинчи сайёра»
маърифий дастури
11.15 Саломатлик сирлари
11.35 Хонадон
11.55 «Ўзбектефильм» студияси намоёниши: «Бухоро»
12.10 Қўбшлар юрт одамлари
12.30, 21.30 Ёшлар овози
12.50, 20.00 Мусиқий лаҳзалар
13.10, 17.00, 19.50 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мулътсериал: «Шарки ва Жорж»
13.40 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод
14.00 Интерфутбол
15.40 Қишлоқдаги тенгдошим
16.15 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли сериал
17.05 Кўрсатувлар дастури
17.10 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха
17.30 «Басат пахлавон»
Мультифильм
17.50 Таянч
18.00 Ёшлар қўйлаганда
18.20 Сув – ҳаёт манбаи
18.25 Янги алифбони ўрганимиз
18.45 Ўқишга марҳамат!
18.50 Мунотоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00, 22.00 Давр
19.35 «Давр» – интервью
19.55 Ишга марҳамат!
20.05 «Ўзбек манзаралари»
туркумидан: Морбоз
20.30 ТВ-адавоқат
20.35 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлгон асираси»
Телесериал
21.50 Олтин мерос
22.45 Футбол-плос
23.05 «Ўқутилган хазира»
Бадий фильм
0.35-0.40 Хайрли тун

«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал. «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориз хабарлари»
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Бизим» телеклуби.
18.30, 20.00, 21.05, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТВда сериал. «Мухаббат тарихи»
20.00 «Турким ҳақида»
21.25 «Инсон ва қонун»
22.05 ТВда сериал: «Рей Бредбери театри»
22.30 Кинонигоҳ. «Севишганлар»
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 Ўзбектефильм намоёниши: «Бейсбол юдузлари»
10.30 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.05-13.00 А.Збруев, Л.Чурсина «Қундузи саванга икита чипта» фильмида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт-антракт»
17.20 Е.Петросяниннинг кулги панорамаси.
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш»
19.00 «Мени кутгил»
19.05 «Время»
20.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
21.00 «Хабарлар»
21.15 «Спортимиз маликалари»
21.30 Жаҳон спорти: «Проф-РИНГ»
22.30 «Х-Спорт»
22.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
«СЕШАНБА, 13»
«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳужжатли телесериал.
9.50 «Муқдор»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Муқдор»
10.15 «Муқдор»
10.25 «Камалак»
11.50 ТВ клип.
12.05 2004 йил – Меҳр ва

мурувват йили. «Химмат»
12.25 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!»
12.45 Ўзбек қўйларидан концерт.
13.05 «Қотиллик пайдан». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Муносабат»
14.40 «Зомин илҳомлари»
15.10 «Иктидор». Телевизион.
«Болалар сайраси»:
16.00 1. «Ерилош»
Видеофильм. 2. «Қўноқ стартлар»
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Бахтиёр шахзода»
Мультифильм.
18.25 «Қўш қанотлар»
18.45 «Остонаси тиллодан»
19.05 «Тасфилот»
19.25 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истеъмолчи»
21.25 «Хониш». Мусиқий дастур.
21.55 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Куз эртаги»
Телесериал.
22.55 «Ахборот-дайжест»
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг»
Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха
8.50, 13.10, 15.55, 22.40 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00, 13.00, 16.00 Давр
9.25 «Давр» – репортаж
9.35 «Ёлгон асираси»
Телесериал
10.15 Қизил ҳудуд
10.30 «Ўзинчи сайёра»
маърифий дастури
11.15 Саломатлик сирлари
11.35 Хонадон
11.55 «Ўзбектефильм» студияси намоёниши: «Бухоро»
12.10 Қўбшлар юрт одамлари
12.30, 21.30 Ёшлар овози
12.50, 20.00, 20.10 Мусиқий лаҳзалар
13.10, 17.00, 19.50 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мулътсериал: «Шарки ва Жорж»
13.40 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод
14.00 Интерфутбол
15.40 Қишлоқдаги тенгдошим
16.15 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли сериал
17.05 Кўрсатувлар дастури
17.10 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха
17.30 «Басат пахлавон»
Мультифильм
17.50 Таянч
18.00 Ёшлар қўйлаганда
18.20 Сув – ҳаёт манбаи
18.25 Янги алифбони ўрганимиз
18.45 Ўқишга марҳамат!
18.50 Мунотоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00, 22.00 Давр
19.35 «Давр» – интервью
19.55 Ишга марҳамат!
20.05 «Ўзбек манзаралари»
туркумидан: Морбоз
20.30 ТВ-адавоқат
20.35 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлгон асираси»
Телесериал
21.50 Олтин мерос
22.45 Футбол-плос
23.05 «Ўқутилган хазира»
Бадий фильм
0.35-0.40 Хайрли тун

«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал. «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориз хабарлари»
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Бизим» телеклуби.
18.30, 20.00, 21.05, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТВда сериал. «Мухаббат тарихи»
20.00 «Турким ҳақида»
21.25 «Инсон ва қонун»
22.05 ТВда сериал: «Рей Бредбери театри»
22.30 Кинонигоҳ. «Севишганлар»
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 Ўзбектефильм намоёниши: «Бейсбол юдузлари»
10.30 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.05-13.00 А.Збруев, Л.Чурсина «Қундузи саванга икита чипта» фильмида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт-антракт»
17.20 Е.Петросяниннинг кулги панорамаси.
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш»
19.00 «Мени кутгил»
19.05 «Время»
20.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
21.00 «Хабарлар»
21.15 «Спортимиз маликалари»
21.30 Жаҳон спорти: «Проф-РИНГ»
22.30 «Х-Спорт»
22.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
«ЧОРШАНБА, 14»
«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳужжатли телесери

Дюссельдорфда намоёиш этилди

Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида замонавий Ўзбекистон ва унинг бой тарихига бағишланган фото-кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмага ташир буюрган немис жамоатчилиги вакиллари, ишбилармонлар ва журналистлар Ўзбекистон етакчи фотосуратчиларининг ижодий ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Бу суратларда республикамизнинг иқтисодиёт, фан

ва маданият, спорт соҳаларида эришган ютуқлари, меъморчилик дурдоналари ҳамда ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари ўзифодасини товланган.

Шаҳар обсерваторияси Иохим Эрвин мазкур кўргазма Дюссельдорф аҳолисида катта қизиқиш уйғотганини эътироф этди. Унинг таъкидлашича, бу тадбир икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг изчил ривожланишидан далолат беради.

А. АҚБАРОВ, «Жаҳон» АА.

Диплом ишлари кўргазмаси

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расмлик ва дизайн институти битирувчилари — магистр ва бакалаврларнинг тўрт юздан зиёд энг яхши диплом ишлари кўргазмаси очилди.

Бу ишлар тасвирий санъатнинг дастгоҳли, маҳобатли, театр безаги рангтасвирлари, миниатюра, ҳаттотлик, китобот санъати, ама-

лий графика, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, интерьерни лойиҳалаш, саноат ва либос дизайни, бадий кулчилик каби йиғирмага яқин йўналишни ўз ичига олади. Улар орасида Уктам Саидов, Темур Раҳметов, Резеда Аҳметшина каби битирувчиларнинг ижодий ишлари олий ўқув юрти педагоглар жамоаси ҳамда тасвирий санъат илосмандлари томонидан яхши кўтиб олинди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Мамлакатимизда Марказий Осиё болаларининг «Мафтункор ранглар дунёси» мавзuidaги бадий кўргазмасини ташкил этиш яхши анъананага айланган. Ҳар йили Ватанимизнинг истиқлол байрами арафасида яқунланадиган ушбу кўрик-танлов бу йил тўққизинчи марта ўтказилади.

Мафтункор ранглар дунёси

Давлатимиз раҳбари Имом Каримов томонидан эълон қилинган Меҳр ва мурувват йилида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Бадий академия, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, «Енгра» халқаро хайрия жамғармаси каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этаётган бу галги тадбир янада кўтаринки ва юксак савияда ўтиши кўтилимоқда.

Танлов тиббий кўмакка муҳтож болалар орасида иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлашда катта аҳамиятга эга. Болаларнинг тасвирий санъат воситасида дунё ҳақидаги содда ва самимий тасавурлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади.

Тадбир доирасида тиббий кўмакка муҳтож болалар юртимиз ҳамда хорижнинг етакчи шифокорлари кўригидан ўтказилади, зарур ҳолатда даволаниб, таянч-ҳаракат воситалари билан таъминланади. Ногиронлик масалаларига бағишланган халқаро илмий семинарда эса дардманд кишиларни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш борасида эришилаётган ютуқлар, бу соҳадаги янги илмий ишланмалар ва уларни қўллаш атрофида муҳофаза этилади.

Болалар байрамига айланмақ ушбу тадбирда юртимизнинг таниқли мусавирлари билан учрашувлар, суратлар кўргазмаси, эстрада юлдузларининг бадий дастурлари намоёиш қилинади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Экология ва матбуот

Табиятнинг муҳофаза қилиш давлат қўмитасида атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ва табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда экспертларнинг мамлакатимизда биохимия-хиллиқни сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, Тошкент вилоятида «Чикинди-лар тўғрисида»ги қонун ижроси бўйича баҳарлаётган тадбирлар, фермер хўжалиқларида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналирилган илмий-тадқиқотлар самараси ҳусусидаги маърузалари тингланди. Бу борадаги ютуқ ва муаммоларни матбуот, радио ва телевидениеда ёритишда журналистлардан талаб этилади деган малака ва маҳорат ҳусусида фикрлашилди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Баҳаво ва салқин гўшада

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Қи-рай» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг фаолият кўрсата бошлаганига етмиш йилдан ошди. Утган вақт мобайнида компанияда меҳнат қилаётган юзлаб ота-оналарнинг ўн минглаб фарзандлари бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқарган.

— Бу йилги мавсумда 1700 нафар болалар ёзни мароқли ўтказишди, — дейди оромгоҳ раҳбари Боситхон Зиёвуддинов. — «Тошкент» минтақавий темир йўл тармоғи ҳудудий қасаба уюшмасига қарашли мазкур оромгоҳда кўнглили дам олиш учун барча шарт-шароит мўҳайё этилган. Бу ерда кўчирчоқ театри, кутубхона, тиббиёт хиз-

мати фаолият юритмоқда. Шунингдек, концерт дастурлари, бадий кечалар, қизиқарли ўйинлар ва спорт мусобақаларининг тез-тез уюштирилиши мазмунли дам олиш имконини беради.

Оромгоҳда дам олаётган 600 нафар бола 22 та отрядга бўлинган. Ҳар бир отряд ўз етакчиси ва тарбиячиси эга. Бу борада жамоага Юнус Ражабий номидаги Педагогика коллежи ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабалари кўмак бермоқда.

СУРАТЛАРДА: «Қирай» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳаётидан лавҳалар.

Мухаммад АМИН
(ЎЗА) олган суратлар.



Холқўзи полвон эсини танибдики, даладан бери келмай ишлади. Мактабни битириб, қишлоқда қолди. Ота-онамга қўл-қанот бўлай, деди. Сув суғорди, пичан ўрди, чигит экти, мол бокди, зовур тозаллади... Кейинги йилларда қомбайн етишмаганидан қўл ўроқда бугдони ҳам ўрди.

Хуллас, эрта-индин, қирқ еттини «эшақ қилиб минай» деб турибди. Ана шу Холқўзи полвон бир кун ишдан келдию тўғри ичкарига ўтди. Бир қават юкка қўрпачага узун тушиб ётиб олди. Ухлаб-ухламайди, ўрнидан тургиси қол келмайди.

Хотини кирди: — Отаси ювиниб қиринг, ҳозир овқатингиз тайёр бўлади.

Холқўзи индамади. Шифтдан кўз эслаб ётаверди. Гулнора йўғалаб чиқиб кетди. Бироздан кейин қайтиб кирди.

— Вой, манави тураниннинг чўзилиб ётишларини... Тура қолинг энди, — деди эрқаланиб, — Холқўзи акам қани, деб қосиқ билан қоса қутиб қолди...

Хотинининг ҳазил гапи Холқўзига елиб ҳам ўтмади. Бошқа маҳал у ётган еридан секин Гулноранинг жияғидан тортиб, тўпигини чимчилаб олар, хотини «Вой, ҳазилингиз бор бўлсин. Қиз узатиб, ўғил уйла-ганда ҳам суқоқ бўласизми?» деб қикирлаб қуларди. Бу сафар Холқўзи полвон бошига ёстиқ қилиб олган қўларини ёймади ҳам. Фақат базур ўх тортиб қўя қолди.

Гулноранинг ранги ўзгарди. Энгашиб эрининг бетига қаради.

— Тобингиз йўқми, отаси? Холқўзи бош чайқади.

— Нима бўлди, биров хафа қилдимми? Полвон индамади. Хотин эрининг пешонасига қўл босди.

— Чарчадингизми? Овқатингизни шу ерга обқириб берайми? Холқўзи тагин бош чайқади. Гулнора ҳадиксираб ташқари чиқди.

Анчадан кейин беш ашар кизи Нодира кирди. Олти боласининг ичиди шу кенжаотайига Холқўзи ўзгача меҳр қўйган эди. Унинг оғзидан чиққан гапни икки қилмас эди.

Нодира отасининг пинжига суйқаланиб, арз қилди: — Ота-ю, анави Турсунтошчи, чочиндан тортиб, сариқ ма-

шаксан деди. Ўзи сап-сарик-ку, тўғри-а?

Бошқа сафар бўлганда Холқўзи «Сан сариқ эмассан, қизим, менга ўхшаган бугдой-ранг сулувансан», деб қизининг тим-қора сочидан суйиб қўярди. Ҳозир унинг бошини силди-ю, жавоб бермади. Нодира ўпкалангандек, чиқиб кетди.

Онаси кирди. У шарпадек аста ўғлининг бош тарафига ўтди. Оғир чўқди. Холқўзининг туртиб чиққан ёноқларига, қўмир-

Тонг отди. Кун чиқди. Гулнора чой қилиб кирди.

— Ишга борасизми, отаси? Кечаги томонингизни иситайми?

Холқўзи энди тили чиққан соқовдек гўлдиради: — Иш-ишга... бор-бор-майман-н-н...

Гулнора хайрон бўлди. Бунақа сўзни эрининг оғзидан илк бор эшитиб турибди. Келин бўлиб тушганига йигирма йилдан ошди. Бир кун ишдан қолмаган эди. На қиш тиничи бор, на ёз... Эсида, тўй кунининг эртасига ҳам саҳар туриб,

Қулоққа айтилган гап

(Чистон-ҳангома)

дек қорайиб кетган салки бетига, тиканакдай соқо-лига, ярим юмук қовоқ-ларига бокиб, бир неча дақиқа парижон ўтирди. Сўнг биллағини қўтариб, енгини туширди. Ўғлининг пешонасига қўл босди. Пешонаси муздек эди.

— Қайси еринг оғрийдми, бачам?

Холқўзи кўзларини очиб-қолди, бироқ миқ этмади.

Марғуба ҳола ўғлига яқинроқ сурилиб ўтирди, «Бисмилло» деб унинг бошини аста-секин силай берди. Онанинг қўли минг табиибиндорисидан аёло эмиш. Холқўзининг бадани эриб, қўзи иилиди. Марғуба ҳола боласининг хоргин юз-қўзига термулиб ўтирди. Сўнг, «Э, олло, ўзинг паноҳингга асра» деб дуо қилди-да, охи-ста қўзғалди.

Холқўзи алақ-чалақ туш қўрди. Раҳматли отаси, «Янги уйингни битириб, томини ёпиб қўйдим, болам, кўмайсанми энди?» — деб тўғриқ от етаклаб турганимиш... Хотини хоҳлаб қулармиш, онаси аввал отга мен минай деса, қизи мен ҳам мингашама, деб хархаша қилармиш...

Кечаси Холқўзи сув сўради. Гулнора бир қосада муздек сув олиб кирди. Эрининг ютоқчи сув ҳўлашига қараб, қўқиб ўтирди. Оғиз очгани ботиниди.

даласига қопиб кетувди. Не бўлди экан отасига?

Холқўзи эса, ҳамон иш қилимда чўзилиб ётибди. На бировга юрак очиб гапирди, на овқатини ичди. На ухлайди, на ўрнидан турди ҳовлига чиқади...

Марғуба холанинг маслаҳати билан Салим қорини қақириб келди, у «Есин»дан бир-икки оти ўқиб, дам солган бўлди. Холқўзи пинагини бузмади. Тушга яқин раис одам юборибди: «Холқўзига не бўлди экан, суриштиринглар-чи, трактори пахтачинг четиди қантарилиб турибди». Раиснинг ода-мига Холқўзи жавоб ҳам бермади. Элчи елка қисиб жўнади.

Бир соатдан кейин раиснинг ўзи етиб келди.

— Хов, бу қандайчин ётув? — деди, ёлғондан қовоқ уйиб, — Ҳозир чўзилиб ётадиган замоники? Ўза гулга кирди, бугдой пишай деб турибди? Э, турей, қўтаранг бугон ҳўкўзига ўхшамай! Хей, тур, дедим сенга!

Раис Холқўзининг қўлидан тортиб, Ердан узиб ололди. Унинг гавдаси оғирлашиб қолгандек эди.

— Ишга чиқмайсанми?

Холқўзи йўқ дегандай бош чайқади. Раиснинг қўзлари ола-қула бўлиб кетди.

— Табба! — деди у, атрофиди ханг-манг бўлиб турган Марғуба ҳола билан Гулнорага қараб. — Ё бу жинни бўлган, ё менинг қўларим ёлғон айтиб турибди. Бу болани бир ўқитиб юбориш керак экан.

— Салим қори ўқиди, — деди чўчиброқ Гулнора ва бирдан йиғлаб юборди.

Раис чўрт бурилиб чиқиб кетди.

Кечагина қора қозонини қайнатиб, эл қатори кун кечираётган хонадон Қорасоғдай гапининг остида қолди. Холқўзи ҳамон узала ту-

нинг соғлиги учун ичмадиган, деб қайта турмага тикиб қўйди-лар. Хуллас, бу дунёнинг етти дўзахини қўриб, мана ўз ёшини қоралаб турибди. Қишлоқда биров авлиё бобонинг гапини икки қилмасди.

Марғуба ҳам шу умидда зор қақшаб бобоникига қириб борди.

Бобо ҳассасини дўқиллатиб етиб келди. Индамай ичкарига кирди. Холқўзининг бор томонига бориб қордона қурди. Бу-жур қафти билан полвоннинг мангалини силди.

—Хм, ётибсан, ўқ еган ар-слонга ўхшаб, — деди. Сўнг на-жот қутиб, титраб-қақшаб турган Марғуба ҳола билан Гулнорага ўғирилди, — чиқиб туринглар, бунга айтадиган икки оғиз гапим бор.

Қайнона-келин истар-иста-мас чиқибди. Авлиё бобо Холқўзининг мошбирини соқ-соқо-лига тикилиб, бир неча дақиқа ўтирди. Сўнг аста энгашди. Полвоннинг қўлига нимадир деб шивирлади. Холқўзига жон киргандек бўлди. Охи-ста қўзи-ни очди. Ух тортиди. Эски яраси хуруж қилгандек, оғир тўлган-ди.

— Иложинг йўқ, ўша гапим гап, — деди Авлиё бобо истеҳ-зо билан.

Холқўзи гўлдираб сўқинган бўлди. Ингради. Кейин... бўкса-сини қўтариб ўтирди. Оғир-оғир бош чайқади. Инқиллаб ўрнидан турди. Ярим қоса сувини бошига бир қўтариб ичди.

Авлиё бобо ҳам ирғай ҳас-сасини қўлига олиб ҳовлига чиқди. Марғуба йўғалаб келиб оқсоқолининг йўлини тўсди.

— Айлана! сиздан, илоё эгам охиратингизни обод қил-син, ёлғизимизни тириштириб бердингиз... Шўрлик болагинамга не дедингиз, эшон бова?

Қария муртидан қулимсира-ди: — Сенга айтиб бўлмайди. Бу қулоққа айталидиган гап.

Чол шундай деб йўлига ра-вона бўлди. Бироздан кейин Холқўзи ҳам икки нонни белбо-ғига тугдию, бир-бир қосиб да-ласига қараб кетди. Қайно-на-келин унинг ортидан ангра-йиб қолдилар: «Икки кун туз тотмай ётган одам миқ этмай турди-кетди. Табба. Авлиё унга нима деган экан-а?»

Бу гап ҳамон силригича қол-моқда.

Саъдулла СИЁЕВ.

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport

Шахмат

Имкониятлар тенглашди



Шахмат мутахассислари ва мухлисларининг нигоҳи айна пайтда Ливия пойтахти Триполи шаҳрида давом этаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионати қаратилган.

Чунки у ерда Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ҳамда англиялик Майкл Адамс сайёраимизнинг бош соврини учун асосий беллашувларни давом эттирмоқда.

Олти партиядан иборат финалнинг биринчи беллашувида оқ доналар билан ўйнаган Майкл Адамс 18-юришда Рустам Қосимжоновга дуранг тақлиф қилган эди. Ўзбек шахматчиси рақибининг таклифига рози бўлди.

Иккинчи партияди Рустам Қосимжонов бошлади. Инглиз шахматчиси жаҳон рейтингига ҳамюртимиздан юқори ўринни

эгаллаб турган эса-да, бу баҳс-да Рустамга етарлича қарши-лик кўрсатолмади. 55-юришда англиялик гроссмейстер Майкл Адамс шахматчимиз Рустам Қосимжоновнинг галабасини тан олишга мажбур бўлди.

Финал учрашувининг 3-партиясида англиялик гросс-мейстер Майкл Адамс оқ дона билан ўйнаб, 47-юришда Қосимжонов устидан галаба қозонди. Натияжада 3 партиядан сўнг ҳисоб тенглашди 1,5-1,5. Рустам Қосимжонов 1-партияни қора доналар билан ўйнаб дурангга эришганлиги ҳамюртимизнинг имкониятлари кенглигидан далолат беради.

Эшкак эшиш

Германиядан хушхабар



Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтган жаҳон кубогининг навбатдаги босқичида Вячеслав Йўлдошев мураббийлик қилаётган терма жамоамиз аъзолари — Антон Ряхов, Дмитрий Стрижков, Алексей Бобожонов ҳамда Данило Турчин эстафета баҳсларида ўзини кўрсатди. 200 метр масофага эшкак эшган тўрт нафар байдаркачимиз биринчи ўринни қўлга киритди.

Профессионал бокс

Қаҳрамоннинг галабаси



Москва шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Қаҳрамон Орзикулов 53,42 килограммга вазн тоғисида Беларусъ вакили — Дмитрий Рябиковга қарши рингга чиқди.

Беларуслик боксчи белла-шув бошидаёқ Қаҳрамонга қуч-ли зарбалар беришга ҳаракат қилди. Лекин учрашувга жид-дий тайёргарлик кўрган ҳамюртимиз ишончли ҳимоя-ланди ва қарши ҳужумга ўтди. Биринчи раундда ўзбекистон-лик профессионал боксчи ра-қибидан маҳорат ва тажриба бобида анча устунлиги сези-либ қолди.

Д.Рябиков Қ.Орзикуловнинг кетма-кет берган зарбалари-

ни ўтказиб юборди ва икки маротаба рингга қулаб тушди. Жангда техник ноқуят билан ўзбекистонлик боксчи галаба қозонгани эълон қилинди. Жаҳон рейтингига 96-ўрин-да қайд этилган Қаҳрамон Ор-зикулов профессионал рингда-ги еттинчи галабасини нишон-лади. Жами саккиз жанг ўтказ-ган ҳамюртимиз беш белла-шувда рақибларини муддати-дан олдин енгиб, бир учрашув-да имкониятини бой берган.

Мерганлик

Нишон аниқ олинди



Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича мамлакат очиқ биринчилигида юртимиздан ва Қозоғистондан саксон тўрт нафар спортчи иштирок этди.

Шахсий биринчиликда спортчиларимиз — Сокина Маме-дова, Елена Дронина, Эдуард Рибченко ва Акбар Жалолов шохсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади.

Оғир атлетика

Ақшдан олтита медал



АҚШнинг Эммитсбург шаҳрида оғир атлетика бўйича талабалар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилган Ботир Усмонов ҳамда Махмуд Тоғаев олти медални қўлга киритди.

Ўзбекистон Давлат жисмо-ний тарбия ва спорт қўмита-си матбуот изҳаматидан ЎЗА мухбирига билдирилшича, Ботир Усмонов даст кўта-ришда 150, силтаб кўтаришда 177,5 килограмм натижа кўрсатиб, иккита қумуш ме-далга сазовор бўлган. Ҳар иккала машқ суммаси бўйи-ча ҳам Ботир иккинчи ўрин-ни эгаллади.

Махмуд Тоғаев даст кўта-ришда 130 килограмм натижа-ни қайд этиб, бронза медални қўлга киритди. Иқтидорли оғир атлетикачимиз 160 килограм-ми штангани силтаб қўтариб иккинчи ўринни олди. Икки усул суммаси бўйича унинг қўрсаткичи қумуш медалга лойиқ топилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Олмалик шаҳридаги 14-мактаб томонидан 1987 йилда Сим Андрей Сергеевич номига берилган Д 415570 рақамли атте-стат йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

«Тошкент почтаси» ОАЖ

аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида барча почта алоқаси бўйимларида шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари, телефон хизматлари ойлик абонент ҳақлари бўйича тўловларни қабул қилади.

Мирзо Улуғбек туманидаги 27-урта мактаб томонидан 1998 йилда Прусенко Олег Вячеславович номига берилган О'Р-В 029715 рақамли атте-стат йўқолган-лиги сабабли БЕКОР қилинади.

Акмал Ик-ромов тумани-даги 78-мак-таб томони-дан 1998 йил-да Кирсанова Ольга Ген-надьевна но-мига берилган О'Р-В 028855 рақамли атте-стат йўқолган-лиги сабабли БЕКОР қилинади.

Собир Ра-химов тумани-даги 310-мак-таб томони-дан 1989 йил-да Фози-лова Зера Ре-фатовна но-мига берил-ган А 210484 рақамли ат-т е с т а т йўқолганли-ги сабабли БЕКОР қилинади.

Пскент 7-мактаб томо-нидан 1989 йилда Фози-лова Зера Ре-фатовна но-мига берил-ган А 210484 рақамли ат-т е с т а т йўқолганли-ги сабабли БЕКОР қилинади.